

Маълумки, форс-тожик адабиёти дунёдаги энг бой, энг кудратли ва гўзал адабиётлардан биридир. Бу адабиёт факат Шаркда эмас, балки бутун жахонга донг таратиб, фавкулудда кизикиш билан ўкиб, ўрганилган. Гарбнинг не-не буюк санъаткорлари Аттор, Румий ёки Хофиз ва Саъдий асарларини ўкиб, ўзларига янги бир олам – гўзаллик, рухоният ва хакикат дунёсини кашф этганликларини хайрат ила сўзлашган. Лекин бу адабиётни хакикий адабиёт макомига кўтарган, ўзидан кейинги хар бир улуг форсийгўй шоирнинг беназир устоди Абу Абдулло Рудакий эканини уларнинг хаммаси хам чукур билавермаган. Адабиётнинг асосий хусусияти ва вазифаси, халк тақдиридаги роли, инсон кўнглига таъсир кўрсатиш йўллари, тил, тарих ва дин билан алоқа тарзи – аслида мана шуларнинг бариси Рудакий, унинг сафдош ва издошлари томонидан асосланиб, тўғри йўлга кўйиб берилган. Форс-тожик шеърияти шу боисдан хам тадрижан зўр муваффакият ила ривожланиб, ўзга бир канча халklar бадий тафаккурига ижобий таъсирини ўтказган. Рудакий бежиз шеъриятнинг Одам Атоси дейилмаган эди. Чиндан хам у бадий ижодда бошловчи, яратувчи, шакл, мазмун, тасвирда анъана йўналишлари ва усулларини белгиловчидир. Устод Садриддин Айний Рудакий шеърларининг мавзу ва мундарижаси ёшлик завк-шавки, май ва шаробнинг таърифу тавсифи, хаёт кувончлари, хукмдорнинг мурувват ва шижоати, насихат, тириклик фалсафаси, қарилек ва шахсий ахволдан шижоат, дарду хасрат, махрумийтлардан изтироб чекишдан иборат бўлганлигини кайд этган. Академик Абдулгани Мирзоевга кўра эса, Рудакий илмнинг хамма сохаларига бир хилда ахамият бериб, “барча илм турларини одам хаёти учун зарур хисоблаган” [1]. Демак, ушбу мавзу ва масалаларнинг кейинги асрлардаги бадий талкинлари Рудакийнинг адабиёт келажакини нақадар олдиндан кўра билганлигини ё бевосита ёки билвосита тасдиқлайдики, бу хазилакам салохият эмас.

Рудакийнинг туркий халklar адабиёти тараккиётига кўшган хиссаси хам самаралидир. Ижод ва илм ахли бу ҳақда бир канча фикр-мулохазаларни баён этишган. Масалан, озарбайжон олими Мумтоз Салмон “Рудакий ва Мулла Панох Вокиф” номли мақоласида, “форсийда илк шеър ёзган шоирларнинг энг буюги ва махоратли устоди устод Рудакийдир. Унинг замонидаги ҳеч бир ижодкор Рудакий қадар шеър ёзмаган ва форс-тожик адабиётини унчалик бойитмагандир”, дейди. Вокиф хаёти ва ижодиётининг Рудакий шахсияти ва шеърларига яқинлаштирган жихатлардан бахс юритаркан, Мумтоз Салмон шундай хулосага келади: “Устод Абулхасан Рудакийнинг шеъриятида бир жўшқинлик, бир порлоклик бордир... Рудакийдек жавдати – табъ ва истеъдодга молик бўлмок буюк бир мазиятдир. Чунки Рудакий бўлиш осон эмасдир” [2]. Шунинг учун хам Рудакий эъзозланган, шу сабабдан хам унинг ижодиёти туркий адабиётнинг шаклланиши

ва ўсишида сезиларли таъсир кўрсатган. Рудакийнинг шеърлари хаёт билан мустаҳкам боғланганлиги, инсон қисматини маънавий-ахлокий бир реалликда мушоҳада этишга чорлаши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Уларда баландпарвозлик, ясама оҳангдорлик, ҳар турли хаёлот ўйинлари йўқ ҳисоби. Унинг тил сезгиси, шоирлик шуури юксак ва намуналидир.

Устод С.Айний ёзганидек, Рудакий шеърларининг тили ниҳоятда содда ва ҳаммафаҳм, арабий сўзларни у жуда кам қўллайди, форс-тожик тилидаги калималарнинг ҳам кўпроқ содда ва оммафаҳмроғларини териб ишлатади. Бу факат ўқувчининг эмас, балки миллий тил, миллий шуур ва тафаккур манфаати нуқтаи назаридан ҳам таҳсинга лойик ташаббус эди. Чунки тилнинг тозаллиги ва самимияти шеърхон рухониятини забт айлашнинг илк гаровидир. XV асрнинг биринчи ярмига мансуб ўзбек шоирлари Атоий, Лутфий, Гадоий, Саккокийларнинг шеърда тилнинг содда ва рангинлиги учун захмат чекишларини Рудакийга бир издошлик ҳаракати, деса асло хато бўлмайди. Умуман, бу масала маҳсус тадқиқ этилса, форс-тожик ва ўзбек адабиёти адабий-бадиий алоқаларининг янги ва порлоқ қирралари очилиши шубҳасиздир. Шунингдек, Рудакий табиат манзаралари ва лавҳаларини шунчалик жонли, равшан, таъсирчан шаклларда тасвирлайдики, ўқувчи уларнинг барини профессор Р.Ходизода айтмоқчи, гўё “моҳир рассом чизган сувратда кўргандай бўлади”. Шунга монанд ҳолатни биз табиат манзаралари орқали инсоннинг ички олами, айниқса, хурлик, хаётсеварлик, меҳру садокат туйғуларини акс эттирган мумтоз шоирларимиз шеърларида ҳам учратамиз. Бу хил шеърларни Рудакий асарлари билан қиёсий ўрганиш ҳам яхши натижа беради, албатта.

Бизнинг назаримизда, ҳар томонлама микёсли ва марокли мавзу – бу Рудакий ва Навоий мавзуси саналади. Аммо Навоийнинг Рудакий ва унинг ижодиёти ҳусусида бирор бир фикр билдирмаганлиги буни дадил тадқиқ этишга монелик қилиши табиий. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Навоий Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и, Маҳмуд Кошгарий ва унинг “Девони луготит турк”и, Яссавий хикматлари борасида ҳам ҳеч нарса демаган. Бундан Навоий бу олим ва шоирларнинг асарларидан мутлақо беҳабар эди, деган ҳулоса чиқариб бўлмайди. Рудакий ва Навоий ижодиёти муносабати масаласида эса атоқли навоийшунос А.Хайитметовнинг мана бу мулоҳазалари ҳақиқатга жуда мувофиқ келади, деб ўйлаймиз. Олим ёзади: “Навоийнинг Рудакийни эсламаслиги, унинг поэзиясига Рудакийнинг ҳеч таъсири йўқ деган гап эмас, албатта... Газалда Рудакий қўллаган вазнлар, кўп иборалар, у газал асосига олган ишқ, май, хурсандчилик темалари, автобиографик тема ва бошқалар кейинги форс-тожик шоирлари, ҳусусан, шеърӣй девон яратган Саъдий, Хофиз, Жомий томонидан ривожлантирилди, чуқурлаштирилди, ниҳоясига етказилди. Навоий лирик ижоди эса кўпроқ шу шоирларнинг таъсири остида ривожлана бошлаган эди. Демак, Рудакий Навоийга бевосита эмас, бавосита таъсир кўрсатгани, Рудакий поэзиясининг хаётбахш анъаналари ўзбек тилидаги Навоий поэзиясида ҳам гуллаб-яшнагани айни ҳақиқатдир” [3]

Дархакикат, Рудакий анъаналарининг хаётбахш рухи ва таъсири Навоийнинг бир канча газал, рубоий ва китъаларида кўзга ташланиб туради. Рудакийнинг куйидаги тўртлиги ирсиятга таяниб, ирсий хусусиятларга эътиборни тортиб, одамга баҳо беришнинг бир характерли намунасидир:

Илонни хар канча килсанг тарбият,

Охир захрин сочиб, етказар захмат.

Нокас табиати илон кабидир,

Юзин кўрмасликка этгил харакат.

Бу хикматли сўзлар беихтиёр Алишер Навоийнинг машхур китъасини ёдга солади:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,

Чекма мехнатким, латиф ўлмас касофат олами.

Ким, кучук бирла хўтукка неча килсанг тарбият,

Ит бўлур, даги эшак, бўлмаслар асло одами.

Рудакийда ҳам, Навоийда ҳам мақсад битта: одамларни “қасофат олами” вакилларида оғохлантириш. Бундай гоёвий-бадий монандлик Захириддин Муҳаммад Бобур рубоийлари, хусусан, унинг май ва тақдир кийинчиликлари ёритилган тўртликлари учун ҳам ҳосдир.

Рудакий шеърятининг нақаси йигирманчи аср ўзбек шоирлари ижодида ҳам сезилиб туради.

Халқимизнинг улкан шоири Гафур Гулом Шарқ классикарига маънавий-рухий ворислик ҳақида сўзлар экан, биринчи бўлиб Абу Абдулло Рудакий номини тилга олади. Бу фақат оғзаки бир эътироф эмас, албатта. Гафур Гулом устод Рудакийнинг ҳаёти, адабий шахсияти, Шарқ адабиётидаги тарихий хизматларидан чуқур оғох эди. Рудакий сўзларининг маъно қуввати ва бадий жозибасини ҳам, завқ ва ҳаётбахш руҳини ҳам у теран ҳис қилган ижодкорларимиздан саналарди. Шу сабабдан ҳам Гафур Гулом буюк Рудакийнинг “Қарилқдан шикоят” қасидасини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилгандир. Қадимий Шарққа ҳос донолик, донишмандлик, жувонмардлик ва журъаткорликнинг моҳиятини англай олган киши, ҳеч шубҳасизки, Рудакийдан мерос қолган шеърӣ дурдоналарни ҳам эъзозлайди. Чунки бундай безавол ахлоқӣ ва маънавий фазилатларнинг илдизи дастлабки гўзал ифодалари бевосита Рудакий тажрибаларига томон бориб такалади.

Кейинги даврда яшаб, қалам тебратаётган истеъдодли ўзбек шоирларининг қўпчилиги Рудакий шеърятидан нимадир ўрганган, қайси бир жихатидан унинг ўлмас сўз ва бадий тасвирларидан илҳомланган деса, сира ҳато бўлмайди. Ва бу гапни тасдиқлайдиган далиллар ҳам етарли. Масалан, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг:

Дўст билан обод уйинг, бўлса гар вайрона ҳам,

Дўст қадам қўймас эса, вайронадир қошона ҳам,

деган сўзларини ўқиган ёки эшитган одам қандай қилиб донишманд Рудакий битиб

колдирган мана бу гапни хотирламаслиги мумкин:

Жахоннинг шодлиги йигилса бутун

Дўстлар дийдоридан бўлмас устун.

Ёки Ўзбекистон халк шоири Жамол Камол бир саккизлигида ёзади:

Ажаб дарё кўрдим сувга лиммо-лим,

Шаркираб околмас, ёколмас чирок.

– Дунё дарсхонадир, хаёт муаллим

Кўрган билганларинг барчаси сабок.

Бу мисралардаги маъно мохиятан Рудакийнинг:

Хар киши олмаса хаётдан таълим,

Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим,

деган ўғитларига бориб боғланиши билан ҳам эътиборга молик.

Устод Рудакий шеърда мавзу танлаш, шунга мувофик равишда оханг яратиш ва хиссий бўёк ишлатишда канчалик мохир бўлса, миллий тил имкониятларидан фойдаланиш, услуб ва ифода хунарида ҳам ўшанча тенгсиз бўлган. Унинг хаётга муносабати, воқеликни идрок айлаш малакаси ибрат ва намунадир. Хар кандай гоё ёки туйгуга Рудакий гўзаллик нигоҳи билан карайди, тасвир усули ёки воситаларини танлашда ҳам аввало гўзалликка асосланади. Шунинг учун унинг шеърят мактабидан турли халк, турли миллатга мансуб шоирлар завқ ва илхом билан сабоқ олишган. Бу эса бадиий ижод тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган, яъни ноёб ходисадир. Буни ўзбек адабиётининг пешкадам ва илгор намояндалари хамиша ҳам яхши англашган. Зеро, туркий адабиётдаги газал, китъа, рубоий сингари лирик жанрлар такомил ва тараккиётини Рудакийнинг ижодий тажрибаларидан ажралган холда тасаввур килиш махдудликка ён бериш билан баробардир.

Рудакий ўзбек шеърхонларининг севимли – юракка якин мутафаккир шоирларидан. Унинг 1957 йил босилган ўзбек тилидаги шеърый тўплами хозир ноёб китоблардан саналади. Устод шоирнинг филология фанлари доктори ва таржимон Ш.Шомухамедов таржимасида 1994 йил чиккан шеърый мажмуаси ҳам ўқувчилар томонидан катта кизиқиш ила каршилган эди. Рудакий хаёти ва адабий меросини илмий ўрганиш бўйича Ўзбекистонда бир канча ишлар амалга оширилган. Шу маънода филология фанлари докторлари Ш.Шомухамедов, А.Хайитметов, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев ва бошка олимларнинг хизматларини алоҳида кайд этиш жоиздир.

Рудакий умри бокий санъаткор. Унинг асарлари гарчи бизгача тўла-тўқис холда етиб келмаган бўлса-да, мавжудлари томчида дарёни акс эттириш кийматиға эгадир. Рудакийдан ёдгор колган шеърларда буюк шахс ва шоирға хос ранго-ранг фазилат ва хусусиятлар яшнаб, гуркираб турибди. Энг асосийси, Рудакий юрт, миллат, инсоният ва абадият шоири эканлигидир. Шарк адабиёти сарчашмасида шундай шоирнинг турганлиги ва шеърят бешигини тебратганлиги хар канча фахрланса арзигули оламшумул воқеадир.

---

[1] Мирзоев А. Сездеҳ макола. Душанбе, 1977. – Саҳ. 163.

[2] Мумтоз Салмон. Озарбайжон адабиётининг манбалари. – Баку, 1986. Б. 262-266.

[3] Хайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент, 1968. – Б. 72.